O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2007 йил 14 декабрь, № 247 (4400) Жума


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Муҳаммад Ризо Хуссайнини «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ва ЮНИСЕФ ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшгани ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий соҳада эришган ютуқларини халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб этишдаги хизматлари учун ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Муҳаммад Ризо Хуссайни "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 12 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида»ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2007 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 19 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2007 йил 19 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 декабрь




## МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

***Кейинги йилларда юртимизда тўқимачилик тармоғига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, пахта хом ашёсини мукаммал қайта ишлаш, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, тизимга жалб этиладиган сармоялар салмоғини кўпайтириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Муҳими, бу ҳаракат амалда ўз самарасини бераётир.***

"Спентекс — Тошкент — Тўйтепа" хорижий компанияси ўз фаолиятини бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Тўғридан-тўғри киритилган хорижий сармоя ҳисобига ташкил этилган ушбу корхона бугунги кунда Марказий Осиё давлатларидаги энг йирик тўқимачилик мажмуасига айланди. Жумладан, унинг Тошкент ва Тўйтепадаги ишлаб чиқариш цехларида салкам 5 минг нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Эътиборлиси, корхона маҳсулотлари сифат ва техник кўрсаткичларига кўра, барча талабларга жавоб беради. Шу боис Туркия, Бангладеш, Жанубий Корея, Европа ва МДҲ мамлакатларида "Спентекс — Тошкент — Тўйтепа" тамғаси билан чиқарилаётган маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда. Сабаби, корхонада Швейцариянинг "Uster" технологияси ёрдамида ишлаб чиқарилаётган газлама ва ип-калавалар сифати изчил назорат қилиб борилади. Буларнинг самараси ўлароқ, жорий йилда умумий товар савдо айланмаси ҳажми 90 миллион АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

Шу ўринда корхона ишчи-хизматчиларига яратилаётган шарт-шароит хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, улар доимий тарзда бепул тушлик ҳамда транспорт воситаси билан таъминланмоқда. Бу, ўз навбатида, иш суръатига-суръат қўшаяпти.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** тўқувчи Комила Ҳамзаева.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 13 декабрь куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.*

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси С. Қурбонқулов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Истиқлол йилларида бутун мамлакатимиз каби Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, деди Ислом Каримов. Вилоятда саноатнинг тоғ-кон, кимё, тўқимачилик, қайта ишлаш каби кўплаб тармоқлари изчил ривожланмоқда. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акционерлик жамияти, «Оҳангарон-цемент» акционерлик жамияти, «Спентекс-Тўйтепа» қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда экспорт ҳажми 1,5 баробар ошгани ҳам шундан далолатдир. Вилоятда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ерлар унумдорлигини ошириш, қишлоққа саноат ва сервисни олиб кириш борасида, шунингдек, маданий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил оширилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Булар халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга қаратилган устувор вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётганининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров, Оққўрғон туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Азиз Қўшбоев, Тошкент вилояти корейслар жамоатчилик бирлашмаси раиси Зоя Ан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**А. БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**

*Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Дилором Тошмуҳамедова 13 декабрь куни Самарқанд вилояти сайловчилари билан учрашди.*

## ДИЛОРОМ ТОШМУҲАМЕДОВАНИНГ САМАРҚАНДЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг раиси А. Умаров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Адолат» социал-демократик партияси Жомбой туман кенгаши биринчи котиби Гулбаҳор Муқаддасова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди.

Дастурда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалиб бораётгани таъкидланган. Иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар чуқурлашиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Ёшларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ҳар томонлама камол топиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Д. Тошмуҳамедова нутқ сўзлади.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд филиали етакчи илмий ходими Фарҳод Набиев, Самарқанд шаҳридаги «Andromed&Horev-S» тиббий маркази шифокори Сожида Зокирова ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг дастури хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётганидан, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини алоҳида қайд этиб, сайловчиларни 23 декабрь куни бўладиган Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. Президентликка номзодлар жойларда сайловчилар билан учрашмоқда. Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 13 декабрь куни Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди.*

## АКМАЛ САИДОВНИНГ СИРДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сирдарё округ сайлов комиссиясининг раиси С. Қудратов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, «Ҳилол» нодавлат нотижорат ташкилоти ходими Дилфуза Реимбаева йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ҳамда дастури билан таништирди. Дастурда мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, бунинг самараси аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёни изчил давом этаётганида яққол намоён бўлаётгани таъкидланган. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ тизими, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом камол топиши учун ҳамма зарур шарт-шароитлар яратилиб, уларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод А.Саидов учрашувда нутқ сўзлади.

Сирдарё вилояти ногиронлар жамияти раиси Комил Абдуллаев, "Нуроний" жамғармаси Ховос туман бўлими раиси Жуман Суюнов, рус миллий маданияти Сирдарё вилояти маркази раҳбари Вадим Дубков, Сирдарё туман адвокатлар бюроси раиси Шукур Нурматов ва бошқалар Президентликка номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Бундай учрашувлар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Конституциямиз ва миллий қонунчилигимиз талаблари асосида, умумэътироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида, шунингдек, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод иштирокида ўтаётгани мамлакатимиз сайлов тизимида демократик тамойилларга қатъий амал қилинаётганидан далолатдир.

**Д. ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 20 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **332-модданинг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилади.

Ишларни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан амалга оширилади»;

2) **351-моддаси** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади. Бунда қолган жиноят ишлари бўйича иш юритиш муддати узоқроқ тергов қилинган ишнинг муддати билан қамраб олинади ва қўшимча равишда ҳисобга олинмайди.

Алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддати, агар жиноят иши янги жиноят бўйича ёки янги шахсга нисбатан ажратилаётган бўлса, тегишли қарор чиқарилган кундан эътиборан ҳисобланади. Қолган ҳолларда муддат бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритувга ажратилган бўлса, ўша жиноят иши қўзғатилган пайтдан эътиборан ҳисобланади»;

**иккинчи — олтинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 декабрь
№ ЎРҚ — 123

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 61-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 19 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда) **542-моддаси**:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмуриятнинг йўлланмаси бўйича ўзи туриши лозим бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумни манзил-колониядан бошқа тартибли колонияга ўтказиш тўғрисидаги масала прокурорнинг илтимосномасига биноан кўриб чиқилади. Маҳкумнинг судда ҳозир бўлишини таъминлаш имконияти бўлмаган тақдирда мазкур масала суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Бунда маҳкумни қамоққа олиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши керак»;

**иккинчи – олтинчи қисмлари** тегишинча **учинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда) **61-моддасининг учинчи қисмидаги** «537-моддасига» деган сўзлар «537-моддаси ва 542-моддасининг иккинчи қисмига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 декабрь
№ ЎРҚ — 124

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 23 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **125-модда**:

**тўртинчи қисмининг диспозициясидаги** «ёхуд давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгартирилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат рақам белгиси ясама ёки ўзга усулларда ўзгартирилган транспорт воситаларини, худди шунингдек давлат рақам белгиси айни шу транспорт воситасига тегишли бўлмаган транспорт воситасини бошқариш –

энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги **$128^2$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$128^2$-модда. Транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш**

Транспорт воситасини бошқариш пайтида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш –

энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади»;

3) **179-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«179-модда. Аудиторнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яшириши, била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хулосасини тузиши**

Аудиторнинг аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида ўзи аниқлаган бухгалтерия ҳисобини юритишга, шунингдек молиявий ҳисобот тузишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар бузилганлиги ҳолларини яшириши, худди шунингдек аудиторнинг била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик хулосасини тузиши –

энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245-модданинг биринчи қисми** «$128^1$-моддасининг иккинчи қисми» деган сўзлардан кейин «$128^2$-модданинг учинчи қисми» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **248-модда**:

**биринчи қисми** «$128^1$-моддасининг биринчи қисмида» деган сўзлардан кейин «$128^2$-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**иккинчи қисмининг 5**, **6** ва **7-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5) ушбу Кодекснинг 125, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^1$-моддасининг биринчи қисмида, $128^2$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 131-моддасининг учинчи қисмида, 135-моддасида, 136-моддасининг учинчи қисмида, 138, 139, 140, 141, 147-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (Бош бошқармаси) бошлиғи, унинг ўринбосари, йўл-патруль хизматини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда маъмурий амалиёт бўлими бошлиғи, унинг ўринбосари, алоҳида муҳим ишлар бўйича инспектор (маъмурий амалиёт бўйича инспектор), маъмурий амалиёт бўлинмаси (бўлими) бошлиғи, унинг ўринбосари, маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир материалларни кўриб чиқиш бўйича катта инспектор (инспектор), автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат бўлими (бўлинма) бошлиғи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг катта инспектори, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормаларига ва қоидаларига риоя этилиши устидан назорат гуруҳининг маъмурий амалиёт бўйича инспектори, улар йўқлигида эса ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари;

6) ушбу Кодекснинг 125, 126-моддаларида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, $128^1$-моддасининг биринчи қисмида, $128^2$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 130-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 147-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл-патруль хизмати бригадаси (батальони, дивизиони, отряди, мобиль гуруҳи) командири ёки унинг ўринбосари;

7) ушбу Кодекс 125-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 126-моддасининг биринчи қисмида, 127-моддасининг биринчи қисмида, 128-моддасининг биринчи қисмида, $128^1$-моддасининг биринчи қисмида, $128^2$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 129-моддасининг биринчи қисмида, 135-моддасининг биринчи қисмида, 138-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – йўл-патруль хизмати катта инспектори (инспектори) ва йўл ҳаракати қоидаларига ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа нормативларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи бошқа ходимлар»;

6) **287-модданинг 1-банди** «$128^1$» рақамидан кейин «$128^2$» рақами билан тўлдирилсин;

7) **291-модда биринчи қисмининг «а» кичик бандидаги** «тўртинчи қисмида» деган сўзлар «тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 декабрь
№ ЎРҚ — 125

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартномани (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 1 декабрда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида Шартнома (Ашхобод, 2007 йил 18 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 13 декабрь
№ ЎРҚ — 126

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Отабек Акбаров Қиролича Елизавета II га ишонч ёрлиқларини топширди.***

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Қироллик ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Қиролича Елизавета II Ўзбекистон ва Бирлашган Қироллик ўртасида ўзаро манфаатли йўналишлар бўйича ҳамкорликни янада ривожлантиришга қизиқиш изҳор этди.

**«Жаҳон» АА.**

## Ахборот тармоғидаги янгилик

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Тошкент Ислом университетида ZiyoNET ахборот тармоғининг янги бўлинмалари тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда университет раҳбарияти ва талабалар иштирок этишди.*

**Тақдимот**

Маълумки, ушбу тармоқ Президентимизнинг 2005 йил 28 сентябрдаги "ZiyoNET жамоатчилик ахборот-таълим тармоғини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан ташкил этилган. Унинг асосий мақсади таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга ёрдам бериш, миллий ахборот тизимини ривожлантиришдир. Бугунги кунда эса барча ахборот ресурсларини бирлаштириш учун технологик майдон (портал)ни янада такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

— Ёшларимиз бугунгача мазкур тармоқ ахборотларидан фақатгина фойдаланган бўлсалар, эндиликда тармоқ фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида шахсан ўзлари иштирок этиш имконига эгадирлар, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ZiyoNET бўлинмасининг етакчи мутахассиси Акбар Нурматов. — Порталнинг "чоп этиш", "каталог", "кутубхона", "қизиқарли ахборотлар" номли бўлимлари ёрдамида ўқитувчилар, талабалар, умуман, портал рўйхатидан ўтганлар тармоққа ўз материалларини жойлаштириши мумкин.

Эндиликда мамлакатимиздаги барча ўқув масканларининг ZiyoNET тармоғига уланиши кўзда тутилмоқда. Натижада, ёшлар ахборот тармоғи хизматларидан бепул фойдаланиш имконига эга бўладилар.

***Муборак ОХУНОВА,***
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Ғолиблар аниқланди

*Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида унни бойитиш бўйича миллий дастур доирасида журналистлар ўртасида ўтказилган учинчи миллий танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

**Тадбир**

Йил давомида ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида темир анемиясининг олдини олиш масалаларини ёритиш, шунингдек, бойитилган ун ва ун маҳсулотларига аҳоли талабини оширишга қаратилган кенг қамровли семинарлар ташкил этилди. Ушбу семинарлар ҳамда миллий танлов доирасида марказий ва маҳаллий ОАВда йод танқислиги масалаларини ёритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Учинчи маротаба ўтказилаётган танлов темир анемияси муаммосини ОАВда ёритиш сифат жиҳатидан такомиллашганини кўрсатди. Ҳайъат аъзолари журналистлар тақдим этган 760 дан ортиқ ишларни танлов мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиб баҳоладилар.

Танлов ғолибларига қимматбаҳо совғалар ва сертификатлар топширилди. Маросимда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакиллари ва журналистлар иштирок этишди.

**Б. ЮНУСОВ.**

**Танлов**

***Энг яхши қишлоқ дўконини биласизми? Энг яхши савдо хизмати кўрсатувчини-чи? Улар куни кеча пойтахтимиздаги Халқ истеъмоли товарлари кўргазма-ярмарка савдоси республика марказида маълум бўлди.***

## «Энг яхши қишлоқ дўкони»

Гап шундаки, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда "Ўзулгуржисавдоинвест" уюшмаси ҳамкорлигида мамлакатимиздаги савдо ташкилотлари ўртасида ташкил этилган танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. "Аҳолига энг яхши савдо хизмати кўрсатувчи" ва "Энг яхши қишлоқ дўкони" йўналишлари бўйича ўтказилган мазкур танловдан кўзланган мақсад ҳудудларда, айниқса, чекка қишлоқларда аҳолига сервис хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш, хизматлар турини кўпайтириб, сифатини яхшилаш, шунингдек, соҳа ходимларининг билим-кўникмаларини бойитиш, маҳоратини оширишдир.

Айни пайтда олиб борилаётганислоҳотлар замирида қишлоқ дўконларини шаҳарлардаги дўконлар даражасига олиб чиқиш масаласи ётади. Бунга яқин йилларда эришишга тўла асос бор. Чунки биргина республика улгуржи савдо-ярмаркасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан савдо ташкилотлари ўртасида бир триллион сўмликдан ортиқ шартномалар имзоланди. Бу 2008 йилда дўконларимиз турли маҳсулотлар билан тўлиб-тошишидан дарак беради.

Танлов жорий йилда илк бор ўтказилган бўлса-да, унга қизиш кучли. Республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ғолибликни қўлга киритган савдо ташкилотлари ҳамда сотувчилар ўзаро беллашдилар. Танлов натижаларига кўра, Яккабоғ туманининг Яккабоғ қишлоғидаги "Шоҳжаҳон" савдо дўкони «Энг яхши қишлоқ дўкони» деб топилди. Хоразмлик Зафар Шарипов эса «Аҳолига энг яхши савдо хизмати кўрсатувчи» деган номга мушарраф бўлди.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ифтихор**

## «МЕН КАСБИМДАН БАРАКА ТОПДИМ...»



— Исми шарифим Шуҳрат Ҳадиметов. Йўловчи автобусини ҳайдаётганимга ҳам 23 йил тўлибди. Ёшим 44 да. "Дарахт бир жойда кўкаради", деганларидек 8-автосаройда муқим ишлаб келаяпман. Бинобарин, корхонамизда ажойиб, ўзаро ҳамкорлик ва дўстона муносабатларга қурилган муҳит ҳукм суради. Шу пайтга қадар миллионлаб йўловчиларни соғ-саломат, ўз вақтида манзилларига элтиб қўйдим. Қанчаданқанча табаррук боболару бувиларнинг дуосини олдим. Бундан йигирма йиллар муқаддам биринчи синфга бораётиб, қимтиниб "Ассалому алайкум" деб, қўлини кўкрагига қўйиб салом берган болалар бугун "Мени танидингизми, автобусингизда мактабимга борардим", деб қуюқ сўрашиб қолишса, бошим осмонга етади.

Очиғи, ҳозирги болалар бошқача. Кўзлари тетик, ўзларини тутиб олишган. Дона-дона гапиришади. Шулардан бирига ҳазиллашиб, "Аданг уятчанг эди, сен эса бунча мақтанасан" десам, "Адам бошқа замонда яшаган, рости чўчиб яшаган, мен Мустақил Ўзбекистонда яшаяпман. Мен қўрқмайман. Чунки бу давлат бизаники" деса бўладими?! Қойил қолдим. Пешонасидан ўпдим. Болакай ҳақиқатни айтди.

Мен истиқлол туфайли 1995 йил декабридан "Мерседес-бенц" русумли автобусни бошқараман. Биргина мен эмас, пойтахтимизнинг қарийб ярмидан кўп автобус ҳайдовчилари ана шунақанги замонавий, қулай ва шинам автобуслар ихтиёрини қўлларига олишди. Мен "Мерс"им билан 1 миллион 500 минг километр йўл босдим. Тиқ этган жойи йўқ. Автобусим йўловчилари асосан — талабалар. Замонамиз ёшлари. Шу йил истиқлолимизнинг 16 йиллиги арафасида "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирландим. Газетада фармон эълон қилинган куннинг эртаси анчамунча табрикларни қабул қилдим. Ҳаммаларига раҳмат. Аввало, ҳукуматимизга катта ташаккур. Меҳнатимни юксак баҳолаганликларидан жуда миннатдорман. Эрта-индин Ботир исмли ўғлим ҳам ёнимга кириб қолади. Ҳа, дарвоқе, дадам Шодивой ота 78 ёшда, у киши ҳам ҳайдовчиликдан нафақага чиққанлар. Олти ўғилларидан учтаси ота касбида.

Бугун ўйнаб-кулиб яшайдиган замон. "Ҳамма нарса инсон манфаатлари" учун деган бир улуғ ғоя бор, бизда. Шунинг амалини мен кўрдим. Ниятим, Ўзбекистонимизга кўз тегмасин. Ҳаммамиз биргаликда тўйо томошалардан бошимиз чиқмай, юртимизни янаям обод қилайлик. Автобусчи Шуҳрат акангиз ҳамиша хизматингизга тайёр. Узоқ-узоқ йиллар корингизга яраб юрай. Бахтли юртимиздан асло бахт аримасин.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**А. ҚУТБИДДИНОВ**
**ёзиб олди.**

**СУРАТДА:** «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси 8-автосарой ҳайдовчиси Шуҳрат Ҳадиметов.

**Б. АКРОМОВ олган сурат.**

## ИНСОН МАНФААТИ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

***Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кенг қамровли муҳокамалардан сўнг қабул қилиниб, Сенатга тақдим этилганди. Келгуси йил учун мўлжалланаётган Давлат бюджети Сенатнинг яқинда бўлиб ўтган ўн иккинчи ялпи мажлисида маъқулланди.***

**Шу муносабат билан мухбиримиз Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси Марҳабат БОЛТАБОЕВАга мурожаат қилиб, 2008 йилги Давлат бюджетидаги устувор йўналишлар ва унинг олдинги йиллардагидан фарқли томонлари хусусида сўзлаб беришини сўради.**

— 2008 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози Президентимизнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари асосида ишлаб чиқилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 2008 йилги Давлат бюджетида барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсиш суръатларига эришиш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришни таъминлашга устуворлик берилган. Бундан ташқари, тадбиркорлар ва ишбилармонларга имкон қадар қулай шароитлар яратиш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил пасайтириб боришга, хориж инвестицияларини жалб этишга, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали фаровонликни оширишга, банк-молия тизимида ислоҳотларни янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

**— Солиқ юки йилдан-йилга камайтириб борилмоқда. Бу йилги Давлат бюджетида солиқ сиёсати йўналишида қандай ўзгаришлар кутилаяпти?**

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, эркин бозор иқтисодиёти шароитида солиқ юкини пасайтириш орқали хусусий секторнинг ривожланишига, кичик бизнеснинг юксалишига, ижтимоий соҳада сезиларли муваффақиятларга эришиш мумкин.

**Сенат маъқуллади**

Биргина мисол. 2007 йилда корхоналарга қўшимча маблағлар қолдириш мақсадида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 12 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилганди. Бундан ташқари, кичик тадбиркорликни ривожлантириш, кичик корхоналарга янги технологиялар сотиб олиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида кичик корхоналардан ундириладиган ягона солиқ тўлови ставкаси 13 фоиздан 10 фоизга туширилганди.

Солиқдаги ушбу имтиёзлар қисқа муддатда миллий иқтисодиётимизда сезиларли натижалар бера бошлади. Ҳисоб-китобларга қараганда, жорий йилда корхоналар ихтиёрида 95 миллиард сўм қолдирилди. Бунинг самараси ўлароқ, ушбу йил якунларига кўра, инвестициялар ҳажми 16 фоизга ошиши кутилаяпти.

Бу каби ҳайратланарли натижаларни кўплаб келтириш мумкин. 2008 йилги Давлат бюджетида солиқ юкини янада камайтириш ва солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш бўйича қатор тадбирлар кўзда тутилмоқда. Хусусан, келгуси йилда кичик корхоналардан ундириладиган ягона солиқ тўлови ставкасини 10 фоиздан 8 фоизгача пасайтирилмоқда. Банкларнинг капиталини ошириш мақсадида молия муассасаларидан олинадиган фойда солиғи 17 фоиздан 15 фоизгача камайтирилмоқда.

Шунингдек, аҳоли даромадларининг кўпроқ қисмини паст ставка билан солиққа тортишни кўзда тутгани ҳолда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қуйи поғонаси энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробаридан 6 баробаригача кенгайтирилиши натижасида аҳолининг қарийб 21 миллиард сўм миқдоридаги даромади ўз ихтиёрида қолдирилади.

**— Давлат бюджетининг харажатлар қисмига ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Алоҳида эътироф этишни истардимки, Давлат бюджетининг катта қисмини ижтимоий соҳага йўналтириш анъанаси бу йилда ҳам давом эттирилмоқда. Хусусан, 2007-2009 йиллар мобайнида иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини 2,5 баравар ошириш тўғрисида Президентимиз томонидан белгиланган мақсадга мувофиқ ижтимоий сиёсат соҳасидаги устувор вазифалардан бири сифатида 2008 йилги Давлат бюджетининг харажатлар қисмида бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш назарда тутилмоқда.

Стратегик аҳамиятдаги миллий дастурларни молиялаштиришга 418,9 миллиард сўм бюджет маблағлари, 243,9 миллиард сўм бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, 239,4 миллиард сўм эквиваленти миқдорида халқаро молиявий институтлар маблағларини йўналтириш мўлжалланмоқда. Жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига 382,4 миллиард сўм ёки бюджет капитал қўйилмаларининг 64,3 фоизини йўналтириш кўзланган.

Қишлоқ врачлик пунктлари, поликлиника ва соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа объектлари қурилишига бюджетдан 14,6 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига, хусусан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга 75 миллиард сўм ва сув хўжалиги иншоотларини сақлаш ҳамда ишлатиш учун 578,8 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу эса олдинги йиллардагидан анча кўп демакдир.

Хулоса ўрнида айтишим мумкинки, 2008 йилги Давлат бюджети мамлакатимизнинг етакчи сиёсатчилари, иқтисодчилари ҳамда экспертлари иштирокида ўтган йиллардаги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Ўйлайманки, Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳам унга зарурий ўзгартиш ва қўшимчаларни киритган ҳолда тасдиқлади. 2008 йилги Давлат бюджети юртимиздаги барча соҳаларнинг ривожланишини молиялаштиришга хизмат қилади ҳамда уни қабул қилишда аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинган, деб айтиш мумкин.

**Юнус БЎРОНОВ суҳбатлашди.**

# МИКРОМОЛИЯЛАШГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

***Кредит муассасалари томонидан кичик бизнес корхоналари, фермерлар ва аҳолига микромолиявий хизматлар кўрсатиш республикамизда бандликни таъминлаш, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда муҳим иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади.***

Мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг шу йил 12 февралда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган маърузасидаги асосий вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида микромолиялашнинг ривожланиши ва таҳлили" мавзуида семинар ўтказди. Унда Осиё Тараққиёт банки, БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон кредит уюшмалари кенгаши, республика вазирликлари ва идоралари, тижорат банклари, кредит уюшмалари, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар марказлари вакиллари иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари кичик бизнеснинг ривожланиши, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда микромолиялашнинг аҳамияти хусусида сўз юритдилар. Кичик бизнес корхоналари, фермерлар ва аҳолининг имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотларининг хизматларидан фойдаланиш учун "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг кредит муассасалари, айниқса, "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки фаолиятида кенг қўлланилиши муҳимлигини таъкидладилар.

Халқаро ташкилотлар вакиллари эса мамлакатимизда микромолиявий ташкилотлар, хусусан, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари сони жадал ўсиб бораётганини қайд этдилар.

"Кредит уюшмалари тўғрисида"ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий

**▼ Ҳамкорлик**

Мажлиси томонидан 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган. Мазкур Қонун асосида Марказий банк томонидан лицензиялаш тартиби, молиявий операцияларни ўтказиш қоидалари ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботини юритишга оид бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб тасдиқланган.

Бугунги кунда республикамизда ўз сафига 64 мингдан ортиқ кишини бирлаштирган 49 та кредит уюшмаси Марказий банк томонидан рўйхатга олинган. 2006 йил бошида кредит уюшмалари аъзолари сони атиги 33 минг кишини ташкил этганини эътиборга олсак, бу кўрсаткич жуда тез ўсиб бораётганига гувоҳ бўламиз.

2006 йилнинг 20 сентябридан кучга кирган "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун микромолиявий хизматлар бозори иштирокчилари доирасини янги институт — микрокредит ташкилотлари билан кенгайтирди. Ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан микрокредит ташкилотларини лицензиялаш ва улар томонидан молиявий операцияларни ўтказиш тартибига оид ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар асосида минтақаларда 12 та микрокредит ташкилоти фаолият кўрсатмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июндаги "2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микромолиялашни ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, минтақаларда микромолиялаш ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, хусусан, кредит уюшмаларини 62 тага, микрокредит ташкилотларини 97 тага етказиш чоралари кўрилмоқда.

Маърузачилар микромолиявий ташкилотлар ривожланишини таҳлил қилар экан, мазкур кредит ташкилотлари томонидан касаначиликни ривожлантириш, ихчам ишлаб чиқаришни ташкил этиш, деҳқон ва фермер хўжаликларини кенгайтириш, шунингдек, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун истеъмол кредитларига ажратилаётган кредитлар унча кўп бўлмаган суммани ташкил этаётганига эътибор қаратдилар.

Семинар давомида иштирокчилар микромолиялаш ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг республикада кичик бизнесни қўллаб-қувватлашдаги иштирокига доир долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборот хизмати.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Уюшманинг қарори

***Италия юк автотранспорт тизимига қарашли еттита касаба уюшманинг учтаси уч кун давом этган иш ташлашни тўхтатишга қарор қилишди.***

Узоқ йўлга юк ташувчи ҳайдовчилар ҳукуматдан маошларини оширишни талаб қилиб иш ташлашган эди. Улар уч кун давомида йўлларни беркитиб қўйишди. Натижада бензин қўйиш шохобчаларида иш тўхтаб қолди. Дўконларда озиқ-овқат захиралари камайиб кетди.

Иқтисодчилар иш ташлаш оқибатида мамлакат ғазнаси 2 миллиард евро зарар кўрганини таъкидламоқда.

### Сохталиги фош бўлди



*Мексика полицияси сохта доллар чиқариш билан шуғулланган йирик жиноий гуруҳни қўлга олди. Гвадалахара шаҳрида уларни ушлаш бўйича ўтказилган амалиётлар чоғида жиноятчилардан 1,14 миллион долларлик қалбаки пул мусодара қилинди.*

«ИТАР-ТАСС» хабарида айтилишича, сал олдинроқ бу жиноий гуруҳнинг 11 аъзоси ва раҳбари Хосе Мария Лоаиса Гаспар ҳам қўлга олинганди. Мамлакат бош прокуратураси вакилининг таъкидлашича, улар сохта долларларни АҚШнинг Алабама, Калифорния ва Луизиана штатларида тарқатишган.

### «Ольга» келтирган офат

***Доминикан Республикасида бир неча кундан буён «Ольга» тропик бўрони қутурмоқда. У мамлакатга кучли жала олиб келди.***

Натижада дарёлар ўзанидан чиқиб кетди. Дастлабки хабарларга қараганда, тошқин оқибатида тўққиз нафар одам ҳалок бўлган, бир неча киши бедарак йўқолган. Шунингдек, 5 мингта уй-жой тошқиндан зарар кўрган, 24,5 минг нафар аҳоли уйини вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Мамлакатнинг Сантьяго музофотида аҳвол жуда оғир. Яке-дель-Норте дарёси кечаси тошиб кетган ва одамлар ухлаб ётганда, уларнинг уйларини сув босган. Ҳозирда бу ерларда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

### Мудофаа бюджети муҳокамаси

***АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси кеча 2008 йилда мудофаа учун ажратиладиган маблағ лойиҳасини кўриб чиқди.***



Лойиҳага биноан, мамлакат мудофааси учун 696,4 миллиард доллар ажратилади. Бу маблағнинг 506,8 миллиарди мудофаа вазирлиги эҳтиёжларига, 189,4 миллиарди Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётларга, 225 миллиони эса Чехия ва Польшада ракетага қарши тизим ўрнатишга сарфланади. Пентагон бу иш учун 310 миллион доллар маблағ сўраган эди.

Лойиҳага 370 конгрессменнинг 47 нафари қарши чиқди.

### Қимматга сотилди

Британиялик рассом Уильям Тернернинг «Бамборо қалъаси» асари Sotheby's аукционида 2 миллион 932,5 минг фунт стерлинг (5,9 миллион АҚШ доллари)га сотилди.

Аукцион ташкилотчилари «Бамборо қалъаси»ни 1,5-2 миллион фунт стерлингга сотишни мўлжаллашган эди. Ушбу асар 1889 йилда америкалик саноатчи Вандербильтов томонидан сотиб олинган ва шундан буён бирор марта бўлса ҳам оммага кўрсатилмаган эди.

### Мақомига муносиб эмас

***Молдова ҳукумати Руминиянинг Кишиневдаги элчихонасида хизмат қилаётган икки нафар дипломатни мамлакатдан чиқариб юборди.***



«AFP» хабарига қараганда, дипломат мақомига тўғри келмайдиган ҳаракат содир этгани учун уларга нисбатан «нон грата» эълон қилинган.

Хабарларда чоршанба куни Молдованинг Руминиядаги элчиси Лидия Гуцу маслаҳат учун Кишиневга чақириб олингани ҳам айтилган. Икки давлат ўртасида қандай муаммо пайдо бўлганлиги ҳозирча номаълум.

### Бир кунда икки ёнғин

*Чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси Хитойнинг Дунгуань шаҳридаги энг машҳур кафелардан бирида ёнғин рўй берди. Натижада ўн киши, шу жумладан, тўрт нафар муҳожир ҳалок бўлди. Хабарда ҳалок бўлганлар қайси давлат фуқароси эканлиги айтилмаган.*

*Худди шу куни Вэньчжоу шаҳридаги офисда ҳам ёнғин чиқди. «Интерфакс» хабарида айтилишича, бу ерда тилсиз ёв 21 нафар одамнинг ҳаётига зомин бўлган.*

### Уй қулаб тушди

Байрутнинг ғарбий қисмида кеча номаълум сабабларга кўра уч қаватли уй қулаб тушди.

Шаҳар ҳукумати вакилининг таъкидлашича, уй янги бўлган. Унга шу пайтгача икки оила кўчиб кирган. Уй қулаган пайтда бу икки оила аъзолари қаерда бўлгани ҳақида ҳозирча бирор маълумот йўқ.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

## Яхши хабарлар

### Корхона қуввати ортмоқда

*«Самарқандкимё» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган нитрокальцийфосфат (нитрофос) ўғити қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган фосфорли ўғитлардан бир қатор жиҳатлари билан афзал эканлиги амалда исботланди.*

Ушбу минерал ўғитдан Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари фермерлари унумли фойдаланиб келмоқда. Шу боис, улар келгуси йил учун ҳам маҳсулот етказиб бериш юзасидан корхона билан шартномалар имзолашди. Эътиборлиси, жорий йилда Қозоғистон ва Афғонистон давлатларига ҳам 6 минг тоннадан ортиқ нитрокальцийфосфат экспорт қилинди.

Айни пайтда, Президентимизнинг «2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида корхонада технологик ускуналар ўрнатилмоқда. Бу ерда 1 миллион 534 минг 900 АҚШ доллари қийматидаги биринчи лойиҳа амалга оширилгач, корхонанинг йиллик қуввати икки баравар ошиб, йилига 100 минг тоннагача ўғит ишлаб чиқарилади.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Табиат билан юзма-юз

***Табиатнинг ўзи мусаввир, дейишади. Тошкент Фотосуратлар уйида очилган "Манзаралар" деб номланган фотосуратлар кўргазмасини томоша қиларкансиз, бунга яна бир бор амин бўласиз.***

Хазонларга бурканган сўқмоқ, гул ифоридан сармаст капалак, булутлар қўйнида нур сочган қуёш, майсаларга "ин" қурган шудринг... Суратларга боқаркансиз, муаллифлар — Виктор Ефипанов ва Владимир Гончаренконинг истеъдодига таҳсинлар айтгингиз келади. Беихтиёр табиатнинг бетакрор манзаралари ичига сингиб кетгандай бўласиз.

Ушбу кўргазма мамлакатимиздаги Рус маданий маркази, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида ташкил этилди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўзингда бўлганига не етсин

*"Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси Маҳаллийлаштириш дастури ижросини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда.*

Бугунга келиб, комбинат цехларидаги дастгоҳлар учун ўта зарур эҳтиёт қисмларнинг йигирма беш хили корхонанинг таъмирлаш-механика заводида тайёрлана бошлади. Ўз навбатида, металл қуймалар олишнинг замонавий усули жорий этилиб, мавжуд асбоб-ускуналар мажмуи янгилари ҳисобига бойиди.

Маҳаллийлаштириш дастурига қатъий амал қилиш корхонага четдан эҳтиёт қисмлар харид этиш учун сарфланадиган маблағларни кескин қисқартириш имконини бермоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг натижаларини юксалтириш, кўп жиҳатдан, тижорат банклари фаолиятига ҳам боғлиқ. Чунки улар тараққиётга куч бағишловчи восита бўлиб, ишлаб чиқаришда барқарор муҳитни вужудга келтириш, келажакка комил ишонч билан қараш имконини беради, ислоҳотларга янада суръат бағишлайди. Шу маънода, бундан ўн олти йил аввал ташкил этилган, яъни истиқлол тенгдоши бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ҳам иқтисодиётимизни юксалтиришда ўзига хос муносиб ҳиссаси бор. Буни ушбу банкнинг Урганч бўлими мижозларга замон талаблари даражасида банк хизмати кўрсатиш, кредит ресурсларидан самарали фойдаланиш, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро тўловларини вақтида, сифатли амалга ошириш, банк хизмати маданиятини юксалтириш, моддий-техника таъминотини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган ишлар мисолида яққол кўришимиз мумкин.***

# МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Банк бўлими ўз иш фаолиятини Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида ташкил этаётгани, ишни янада яхшилаш бўйича ташкилий ва амалий тадбирлар белгиланаётгани туфайли мижозлари ишончини қозонишга эришмоқда.

Бугунги кунда бу жамоанинг мижозлари сони 38 минг 400 тага етди. Вилоят бўйича унинг 7 та филиали ва 5 та минибанки ишлаб турибди. Уларда кўплаб корхона ва ташкилотлар ўзларининг валюта ҳисоб рақамларини ҳам очишган.

Маълумки, Президентимизнинг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тижорат банклари фаолиятининг асосий муҳим йўналишларини белгилаб берган эди. Хусусан, мазкур Фармонда иқтисодиётнинг реал секторида фаолият юритаётган корхоналарни кредитлаш, кредитлаш механизмини такомиллаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишнинг самарали усулларидан фойдаланиш каби вазифалар белгилаб берилганди. Банк бўлими ушбу ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, муайян ишларни амалга оширмоқда.

Айниқса, банк жамоаси кичик бизнес ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг асосли лойиҳаларини кредитлаш ёрдамида ички истеъмол бозорини маҳаллий хом ашёдан тайёрланган сифатли маҳсулотлар билан бойитишга, янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Масалан, бўлим томонидан кичик бизнес субъектларига 2007 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, 5 млрд. 653 млн. сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, шундан узоқ муддатли кредитлар 4 млрд. 334 млн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, жорий йилда банк пахта етиштирадиган 1179 та ва ғалла етиштирадиган 514 та фермер хўжалигига, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан, имтиёзли кредитлар берган эди. Ушбу фермер хўжаликлари кредит қарзларини муддатидан олдин тўлаб қўйишди.

Банк бўлими томонидан вилоят саноатини ривожлантиришга ҳам 3 млрд. 790 млн. сўм кредит йўналтирилган. Бундан мақсад, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни кўпроқ жалб қилишдир.

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида жамоа ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши, рўзғори бут бўлишига ҳам кўмаклашмоқда. Жорий йилда банк кўмагида 36 та ёш оила уйли-жойли бўлишгани, ана шу мақсадга 663 млн. сўм кредит ажратилгани бунинг тасдиғидир.

Шу билан бирга, Миллий банкнинг Урганч бўлими ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича ҳам бир қанча ишларни амалга оширмоқда. Натижада ҳозирги кунда унинг мижозларидан бўлмиш 12 та корхона экспортга маҳсулот чиқараяпти. Бу аслида корхоналар билан банк ўртасидаги ҳамкорлик яхши самара бераётганини кўрсатади. Мисол учун, шу кунгача бўлим орқали қўшма корхоналарга 4,8 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар жалб қилинган. Айни кунларда банк томонидан вилоятга хорижий сармояларни жалб қилиш, янги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**▼ Банк тизими**

Чакана банк хизматлари кўрсатиш борасидаги юмушлар ҳам жамоанинг диққат марказида турибди. Жумладан, ҳозирда банк бўлимида 6 та, унинг филиалларида эса 7 та пул айирбошлаш шохобчалари мавжуд. Чет эл валюталарини тез етказиш мақсадида «Western-union», «Контакт», «Мигом» ва «Азия экспресс» каби пул ўтказмалари орқали аҳолига тезкор хизмат кўрсатилмоқда. Бу қулайликдан мижозлар мамнун.

Аҳоли ва юридик шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларини депозитларга жойлаштириш банкнинг ресурс базасини кенгайтиришга хизмат қилиши аён. Уларнинг маблағларини омонатларга жалб этиш учун эса манфаатли фоизлар тўланиши ҳамда омонатнинг янги турлари ташкил қилиниши лозим, албатта. Банк айнан шу йўлдан бораяпти. Пировардида омонатчилар сони кун сайин ортмоқда. Айниқса, уларнинг «Талаб қилиб олгунча», «NBU Классик», «Тўкинлик», «Матлаб», «Арафа» ҳамда «Фаровон» омонат турларига қизиқиши катта. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, миллий сўмда очилган омонат ҳисобварақлари сони 29422 тани ва ундаги қолдиқ 2830840 минг сўмни ташкил қилган бўлса, бугунга келиб, омонат ҳисобварақлари сони 40745 тани, унинг қолдиғи эса 3557513 минг сўмни ташкил этмоқда. Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш мақсадида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани туфайли уларнинг хорижий валютадаги омонат ҳисобварақлари сони ҳам ортаяпти. Айни кунда улар сони 22494 тани ташкил этади. Бу омонатчиларнинг банкка бўлган катта ишончи белгисидир.



Миллий банк бўлимида сўм пластик карточкалари орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун эса аҳоли гавжум жойларда терминаллар ўрнатилган. Ҳозиргача уларнинг сони 73 тага етди. Бу ерда, шунингдек, пластик карточкалар орқали кредит олиш имконияти ҳам мавжуд.

— Банкимизнинг фаолияти мижозлар билан ўзаро ишонч асосида ташкил этилган, — дейди Миллий банкнинг Урганч бўлими бошқарувчиси Анвар Авезов. — Зеро, уларнинг ишончини оқлаш бизнинг бурчимиздир. Мижозларимизга замонавий банк хизмати кўрсатишга эришсак, табиийки, уларнинг сафи янада ортади. Бу эса, ўз навбатида, фаолиятимизни кенгайтиришга имконият яратади.

Дарҳақиқат, банк бўлими ходимлари «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида жисмоний ва юридик шахсларга янгидан-янги банк хизматларини таклиф этиш, ўз фаолият доирасини янада кенгайтириш йўлида бундан буён ҳам изчил иш олиб боришга ҳаракат қиладилар.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Анжуман**

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида «Экологик таълим, атроф-муҳит сифатини бошқариш ва мониторинг қилиш» мавзуида халқаро илмий семинар бўлди. Унда мамлакатимиз олий ўқув юртларининг олимлари билан бир қаторда, Европадаги қатор таълим муассасалари ва халқаро ташкилотларнинг эксперт-мутахассислари ҳам иштирок этди.*

## Экологияга бағишланди

Халқаро семинарнинг Қаршида ўтказилиши бежиз эмас. Институтнинг «Атроф-муҳит ҳимояси ва экология» кафедраси олимлари бу долзарб муаммони ўрганишда кўплаб хорижий давлатларнинг илмий ва таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорликда ишлаб келишмоқда. Кафедра олимлари халқаро ҳамкорлик доирасида «Экология асослари» ўқув қўлланмасини яратишда иштирок этишди. Ҳозир бу қўлланма Халқаро «ТЕМПУС» дастурининг «Атроф-муҳитнинг аҳволини баҳолаш ва мониторинг қилиш» соҳасидаги таълим (TEAM) лойиҳасида иштирок этаётган олий ўқув юртларида ўрганилмоқда.

Семинарда институт олимларининг «ТЕМПУС» дастури доирасида атроф-муҳитни ўрганиш ва экологик мувозанатни сақлаш соҳасидаги илмий-амалий ишлари, халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциялашув жараёни, бу соҳада хориждаги таълим муассасаларида тўпланган тажриба тўғрисида батафсил мулоқот олиб борилди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

***Асосий Қонунимизда ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган. Бундай эзгу мақсадни амалга оширишда республикамизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.***

**▼ Таълим**

Ўзимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, биргина Нукусдаги 3-тиббиёт коллежимизда 2 мингга яқин ёш таҳсил олади. Уларга олий маълумотли, юқори малакага эга 150 нафардан ошиқ ўқитувчи таълим бермоқда.

Айни вақтда коллежда замонавий жиҳозланган ўқув ва амалиёт хоналари, спорт ва 2 та мажлислар зали, шунингдек, 75 ўринга мўлжалланган ётоқхона мавжуд. Булардан ташқари, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун интернет тармоғига уланган ахборот-ресурс маркази ҳам ишлаб турибди.

Коллежимизнинг ҳар бир ўқувчиси яратиб берилган бундай имкониятлардан унумли фойдаланишга — яхши ўқиш, фаол бўлиш, билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилмоқда. Ўтган ўқув йилида ёшларимиз фан олимпиадаларида 13 фандан совринли ўринларни эгаллагани, 3 ўқувчимиз биринчи ўринга лойиқ кўрилгани шундан далолат беради. «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» кўрик-танловининг Тошкентда ўтказилган республика босқичида коллежимиз ўқувчиси Ақсунгул Балтамуратова 3-ўринни эгаллади. Республика «Камолот» ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ўтказган «Қувноқлар ва зукколар» танловининг республика босқичида ўқув даргоҳимизнинг «МТС» гуруҳи ғолибликни қўлга киритди. 2007-2008 ўқув йилида Зулфия номидаги Давлат мукофотига тавсия этилган ўқувчимиз Гулзира Бойназарова шаҳар босқичида муваффақиятли қатнашиб, республика босқичига йўлланма олди. Бундай ютуқларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бугунги ёшлар ўзгача ғайрати, илғор замонавий билим-малакаси, дунёқараши билан ажралиб туради. Уларнинг йўлини Конституциямиз ёритиб турибди.

**Шониёз ТЛЕУНИЯЗОВ, Нукус шаҳридаги 3-тиббиёт коллежи директори.**

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ**

**«ЎЗПАХТАМАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 50% АКЦИЯЛАР ПАКЕТИНИ СОТИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР**

**ўтказилишини эълон қилади.**

**«Ўзпахтамаш» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 50 (эллик) фоизини ташкил этувчи 382 140 (уч юз саксон икки минг бир юз қирқ) дона оддий акциялари сотувга қўйилади.**

***Тендер шартлари:***

- ***бошланғич баҳоси — 6 567 500 (олти миллион беш юз олтмиш етти минг беш юз) АҚШ доллари;***
- ***инвестицион мажбуриятлар — 5 500 000 (беш миллион беш юз минг) АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳолда (5 йил ичида).***

«Ўзпахтамаш» ОАЖнинг 50% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

«Ўзпахтамаш» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган. Корхона 1946 йилда ишга туширилган. Корхонанинг асосий фаолият тури пахта тозалаш учун машина ва механизмларни ишлаб чиқаришдир.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Юқорида кўрсатилган акциялар пакети бўйича тендер ҳужжатлари пакетининг қиймати 2 000 (икки минг) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказиш лозим:**

- валюта рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,

«Ипак йўли» АИТБ, ИНН 201122696, банк коди 00444,
S.W.I.F.T коди INIPUZ22.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 14 январь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2008 йил 14 январь Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.**
**Абдуваҳобов Абдужамил Абдуваҳоб ўғли эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-50. Факс: +998 (71) 139-22-50.**
**Эл. почта: gki-gu@rambler.ru**

1871-1R/2263

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

**based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-672 dated July 20, 2007 hereby announces**

**the Open Tender for Privatization Sale of the 50% Share Package of Joint Stock Company «UZPAKHTAMASH»**

**382 140 (three hundred eighty two thousand and one hundred forty) shares of common stock of JSC «UZPAKHTAMASH» constituting the aggregate of 50% of the Company's total issued shares are being offered for sale under the following conditions:**

1. ***Starting bidding price — 6 567 500 (six million five hundred sixty seven thousand and five hundred) US dollars;***
2. ***Investment requirement — not less than 5 500 000 (five million five hundred thousand) US dollars (during 5 years).***

At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 50% of shares of the JSC «UZPAKHTAMASH» and undertake the highest value of investment obligations.

JSC «UZPAKHTAMASH» is situated in Tashkent city. The factory was put into operation in 1946. The main type of activity of the enterprise is production of cotton processing machines.

Investors interested to participate in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, bypresenting to the State PropertyCommittee of the Republic of Uzbekistan the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

**The price of Tender Documentation package is 2 000 (two thousand) US dollars, which should be paid to either of the following accounts:**

Dollar account № 20203840500600289001
Soum account № 20203000600600289001
In operational branch of JSICB "Ipak Yuli",
INN 201122696, bank code 00444
SWIFT code: INIPUZ22

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on January, 14, 2008.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on January, 14, 2008.**

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tenders Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

**Uzbekistanskaya str. 55,**
**Uzbekistan, Tashkent, 100003**
**Attention to Mr. Abdujamil A. Abduvakhobov**
**Telephone +998 (71) 139 22 50**
**Fax +998 (71) 139 22 50**
**E-mail: gki-gu@rambler.ru**

1871-2R/2263

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги давлат активлари сотилиши бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади:**

**«ЧИНОЗ» ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ**

Сотувга «Чиноз» дам олиш маскани қўйилади.
«Чиноз» дам олиш маскани Тошкент вилоятининг Чиноз туманида жойлашган бўлиб, ҳудуди 1,43 гектарни ташкил этади.
**Дам олиш масканининг бошланғич баҳоси** — 250 000 ( икки юз эллик минг) АҚШ доллари.
**Инвестицион мажбуриятларнинг ҳажми** — 1 000 000 (бир миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим.

**«ЧИРЧИҚ ГЎШТ-СУТ САВДО» ДАМ ОЛИШ МАСКАНИ**

Сотувга «Чирчиқ гўшт-сут савдо» дам олиш маскани қўйилади. «Чирчиқ гўшт-сут савдо» дам олиш маскани Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Сойлиқ қишлоғида жойлашган бўлиб, ҳудуди 2,5 гектарни ташкил этади.
**Дам олиш масканининг бошланғич баҳоси** — 250 000 (икки юз эллик минг) АҚШ доллари.
**Инвестицион мажбуриятларнинг ҳажми** — 1 000 000 (бир миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаслиги лозим.

Мазкур давлат активларига (объектларига) энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этиш мумкин.

Маълумотнома, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

**Юқорида кўрсатилган акциялар пакети бўйича тендер ҳужжатлари пакетининг қиймати 100 (бир юз) АҚШ доллари миқдорида белгиланган бўлиб, уни қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказиш лозим:**

- валюта рақами 20203840500600289001;
- ҳисоб рақами 20203000600600289001,

«Ипак йўли» АИТБ, ИНН 201122696, банк коди 00444,
S.W.I.F.T коди INIPUZ22.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 14 январь куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

**Тендер таклифларини очиш 2008 йил 14 январь куни Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.**

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

**Ўзбекистон Республикаси, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй.**
**Тошпўлатов Элёр Абдухошимович эътиборига.**
**Телефон: +998 (71) 139-22-55. Факс: +998 (71) 139-20-72. Эл. почта: ves@gki.uz**

1872-1R/2263

# INVITATION TO TENDER

## STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

**hereby announces on the basis of the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan №PP-672 as of July 20, 2007:**

**RECREATIONAL AREA «CHINAZ»**

The Recreational area «Chinaz» is located in the Tashkent region, Chinaz district.
**Its total area constitutes 1,43 hectares.**
**Starting bidding price** – 250 000 (twohundred fifty thousand) US dollars;
**Investment obligations** – not less than 1 000 000 (one million) US dollars.

**RECREATIONAL AREA «CHIRCHIK GOSHT-SUT SAVDO»**

The Recreational area «Chirchik gosht-sut savdo» is located in the Tashkent region, Bostanlyk district.
**Its total area constitutes 2,5 hectares.**
**Starting bidding price** – 250 000 (twohundred fiftythousand) US dollars;
**Investment obligations** – not less than 1 000 000 (one million) US dollars.

During tender the preference will be given to the tender participant ready to offer the highest bid for above mentioned state assets (objects) and undertake the highest sum of investment obligations in the frame work of enterprises investment needs.

Investors interested to participate in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, bypresenting tothe State PropertyCommittee of the Republic of Uzbekistan the completed and signed Application and ConfidentialityStatement together with a copyof the document confirming the payment effected.

**The price of Tender Documentation package is 100 (one hundred) US dollars, which should be paid to either of the following accounts:**

USD account № 20203840500600289001
UZS account № 20203000600600289001
In operational branch of JSICB «Ipak Yuli»,
INN 201122696, bank code 00444
SWIFT code: INIPUZ22

**The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on January, 14, 2008.**

**Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on January, 14, 2008.**

Tender participants or their authorized representatives, which have submitted Tender Bids in accordance with established procedures, have the right to participate at the opening of the packages with tenders Bids.

For all issues related to the tender, please contact:

**Uzbekistanskaya str. 55,**
**Uzbekistan, Tashkent, 100003**
**Attention to Mr. Elyor A. Toshpulatov**
**Telephone +998 (71) 139 22 55**
**Fax +998 (71) 139 20 72**
**E-mail: ves@gki.uz**

1872-2R/2263


Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг

## «Универсал биржа маркази» МЧЖ

**2008 йил 15 январь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда:**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 22 февралдаги 1-767/2006-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, «STIMUL-PLYUS» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунов даҳаси, 1-«А» мавзеси, 65-уйда жойлашган, умумий майдони 54,0 кв.м. бўлган 5 қаватли турар жой биноси 1-қаватининг бир қисми.

*Бошланғич баҳоси — 10 263 000 сўм.*

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.**

**Лицензия DB001-000010.**



***КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!***

## «РОҲАТ» КИЧИК КОРХОНАСИ,

**СТИР 200674343, ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛИ: Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 49-уй, Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 18-0704/12813-сонли иш бўйича 2007 йил 26 ноябрь куни қабул қилган ҳал қилув қарори билан**

**банкрот деб топилган ва қарздор корхонага нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.**

Қашқадарё вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан тугатиш бошқарувчиси этиб Холмуродов Шавкат Бўриевич тайинланган.

Кредиторлар мажлисини 2007 йил 19 декабрь куни соат 10.00 да «Китоб» станцияси, Н.Нугаев кўчаси, 11-уй, «Қашқадарёмармар» МЧЖ идорасида ўтказиш белгиланган.

**Кредиторларнинг қарздорга талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: 731300, «Китоб» станцияси, Н. Нугаев к., 11-уй.**
**Телефон: 8 (375) 522-39-62. Факс: 8 (375) 522-83-83.**

**Кредиторлар талаблари мазкур эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.**







***Муҳтарам газетхон!***
***Газетамизнинг ушбу сонидаги қўш саҳифа бепул илова қилинмоқда.***

# ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

## ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги давлат активлари сотилиши бўйича тендер ўтказилишини маълум қилади:**

**Сотувга «Коинот» ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларнинг 34,78 фоизини ташкил этувчи 21 212 (йигирма бир минг икки юз ўн икки) дона оддий акциялар қўйилади.**

«Коинот» ОАЖ Тошкент шаҳрида жойлашган бўлиб, 1969 йилда ишга туширилган. Жамиятнинг асосий фаолият тури алоқа тизими ва телекоммуникацияга тегишли буюмларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, замонавий электрон маҳсулотларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқаришдир.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси — **777 500** АҚШ долларини ташкил этади.

Корхонанинг инвестицион талаблари миқдори **1,0 миллион** АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда «Коинот» ОАЖнинг 34,78 фоиз акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва корхонанинг инвестицион талабларини инобатга олган ҳолда энг юқори инвестиция мажбуриятларини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган сармоядор устунликка эга бўлади.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризаси ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифи шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи **100** (бир юз) АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим:

«Ипак йўли» АИТБ:
- валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001;
- сўм ҳисоб рақами 20203000600600289001,

ИНН 201122696, банк коди 00444,
S.W.I.F.T. код — INIPUZ22.

**Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 14 январда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.**

